

Xabar

2

(1008)-son

13-yanvar

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012


O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

14 январ — Ватан химоячилари куни

ВАТАН ЯГОНАДИР, БИТТАДИР

Эртага юртимизда катта байрам — Ватан химоячилари куни. Бу кунни нафақат Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганлар, балки кенг жамоатчилик катта тантана билан байрам қилади. Республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 октябрда қабул қилинган "Ватан химоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги Фармойиши бунга асос бўлиб хизмат қилапти. Ватан химоячилари кунини юксак тактик тайёргарлик, ёруғ юз билан кутиб олаётган ҳарбий хизматчилар орасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида фаолият кўрсатаётган Махсус авария-тиклаш бошқармасининг фидойи аскар ва офицерлари ҳам борлиги қувонарли. Газетамизнинг бугунги кўш саҳифасида ана шу бошқарма фаолияти ҳақида хикоя қиламиз.

4-5-бетлар



Сўнги янгилик!



Пенсильвания университети талабалари оддий микротўлқинли печни 10 дюймлик HP TouchPad планшети ва ҳисоблаш платформаси билан улашди. Эндиликда печ нафақат таомни иситади, шунингдек, битта овқатни иситиш учун кетадиган вақтга тенг YouTubeда жойлашган видеороликни намойиш этиш имкониятига ҳам эга.

Алоқа оламида

Ушбу сонда:

Йил яқунлари муҳокама этилди	2
Мукофотлар муборак!	3
В УзАСИ союлаась встреча	6
Ажрашишларга сабабчи Facebook...	11
Яна мобил телефон ҳақида	12
Мулоҳаза учун мавзу	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 январ куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэни қабул қилди. Оксаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг истиқболли йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 январ куни Оксаройда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаонинг махсус вакили сифатида мамлакатимизга келган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Чэн Чжили хонимни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама савдо хажми барқарор юксалиш тенденциясига эга бўлиб, сўнгги беш йилда тўрт баробар ошгани ва 2011 йилнинг январ — ноябр ойларида, Ўзбекистон томони маълумотларига кўра, қарийб 2,2 миллиард АҚШ долларига етгани кайд этилди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 10 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров билан учрашди. Мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги қонуни эълон қилинди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Бадий кўрғазмалар дирекцияси, Тошкент Фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда "Ватанга хизмат — муқаддас бурч" мавзuida бадий кўрғазма ташкил этилди. Мазкур кўрғазмада атоқли мўйқалам соҳиблари билан бирга ёш рассомлар, фотожодкорлар, ҳарбий соҳада меҳнат қилаётган хаваскор мусаввирларнинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

"Ўзэкспомарказ" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва самараси мавзуйига бағишланган кўрғазмали семинар иш бошлади. Беш кун мобайнида Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган тадбиркорлар солиққа оид ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича соҳа мутахассисларидан атрофлича жавоб оладилар.

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида 2011 йил 25-26 ноябр кунлари Тошкентда ўтказилган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуйидаги халқаро симпозиум якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, илмий, эксперт-таҳлил доиралари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, дипломатия корпуси, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2012 йилги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.



Йил якунлари муҳокама этилди

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган кўрсаткичлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, маҳаллий ишлаб чиқариладиган махсулотлар турларини, экспортбоп махсулотлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатасининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган йиғилишдаги мазрузаларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида ишларни янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

2011 йилда комплекс бўйича жами 2 триллион 937 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2010

йилнинг шу даврига нисбатан 122,4 фоизни ташкил этди. Аҳолига 1 триллион 614 миллиард (120,5 фоиз) сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 315,5 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 214 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 162,6 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури"нинг ижросини таъминлаш борасида Комплекс таркибидagi вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилган ишлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига расмий веб-сайтлар орқали ахборот бериш ва интерактив хизматлари кўрсатишни кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, 2011 йилда болалар спорт объектлари, сузиш хавзалари ва болалар музыка ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш манзилли дастурларининг бажарилиши, спорт объектларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, касб-хунар коллежлари ва академик ли-

цейларни ўқув адабиётлари, дарсликлар билан таъминлашни янада яхшилаш, касб-хунар коллежлари 3-босқич ўқувчиларининг аниқ иш жойларида ишлаб чиқариш амалиёти ўташни ташкил этиш, бу йўналишда таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини такомиллаштириш борасида ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг ҳолати, соғлиқни сақлаш тизимида хусусий тиббиёт муассасаларининг хозирги аҳоли ва истиқболдаги режалар, республикада педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари фаолиятини янада яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тармоқ келишуви

2012 йил 7 январда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2012-2014 йиллар учун тузилган Тармоқ келишуви имзоланди.

Ушбу Келишув 2009-2011 йиллар учун тузилган Тармоқ келишувидаги барча ижтимоий имтиёزلарни сақлаб қолган ҳолда мазмунан янада бойитилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун тузилган Бош келишувга асосланди.

Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, соҳада ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ижтимоий шериклик тамойили асосида Тармоқ келишуви орқали амалга оширилади.



Бугунги кунда ярим миллиондан ортиқ юртдошимиз рақамли телевидение каналларини томоша қилишмоқда. Рақамли теледастурлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида узатилмоқда.

ФАКТ

Мукофотлар муборак!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг идоравий мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида"ги буйруғига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ривожланишида хизмат бурчлари ва топшириқларни сидқидилдан бажариб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш ва унинг равнаки йўлида фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ офицер ходимлар 14 январь — Ваган химоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллиги нишонла- ниши муносабати билан тақдирландилар. Жумладан:

Давлат фелдъегерлик хизмати бошлиғи, генерал-майор Рафкат Тауфикович МИГМАНОВ, Давлат фелдъегерлик хизмати катта инспектори, майор Санжар Батирович ЖўРАЕВ, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) стационар таянч алоқа боғламасининг телефон станцияси алоқа бўйича навбатчиси, оддий аскар Сайёра Муртовна МЎМИНОВА, Тошкент ахборот технологиялари университети "Ҳарбий" кафедраси катта ўқитувчиси, майор Фарход Сиддиқович ҚўЧҚОРОВ, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факултети "Радиоэлектрон разведка ва кураш" ка-


федраси бошлиғи, подполковник Халилилло Турдибоевич АЛИМОВлар Агентликнинг ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ билан;

Давлат фелдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта офицери, капитан Азимбек Рўзимуродович НУРМУРОДОВ, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) автомобил зводи фойдаланиш гуруҳи хайдовчиси, оддий аскар Илхом Рамазонович ИХБОРОВлар Агентликнинг "ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ" белгиси билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак бўлсин, азиз ҳарбийлар!

Масъулмиз

DIL IZHORI



Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан чоп этилган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китоби биз талабаларнинг диққат-эътиборимизни ўзига тортиши билан бир каторда, келгуси ҳаёт йўлимизни ёритиб борадиган машғал десак, муболаға бўлмайди. Китобда, жумладан, "Маънавият - тақдирнинг эҳсо- ни эмас, маънавият инсон қал- бида камол топиши учун инсон қалб ва виждонан, ақл ва қалб билан меҳнат қилиши керак" деган сўзлар келтирилади. Шу билан бир каторда, ушбу асар ўта муҳим тарихий аҳами- ятга эгадир.

Асарда миллий ислохотларга эришиш, демократик давлат барпо этиш йўлида узокни қўзлаб олиб борилаётган халқ- чил сиёсат, мустақилликнинг ўз-ўзидан осонликча қўлга киритилмагани, эски тузум дав-

рида сиёсий курашлар авж олгани, парокандалик кучайгани, эртанги кунга халқнинг ишончи йўқолган мураккаб бир пайтда давлатимиз раҳбарининг эскича ёндашувлардан воз кечи- б, янги гоялар тамойиллари асосида иш юритгани, бу жара- ёнда жасорат намуналари кўрсатгани асосли далиллар, ёрқин ҳаётги мисоллар восита- сида баён этилган.

Ўзбек халқининг 20 йил ичида босиб ўтган йўли, кийин- чиликлари, ислохот сабаб эри- шаётган ютуқлари ҳақида сўз юритилган ушбу асар бошқа мамлакатларда ҳам катта кизи- киш уйғотмоқда.

Демак, биз талаба ёшлар доимо мустақил мамлакатимиз- нинг буюк келажаги, турму- шимиз равнаки учун ўз хисса- мизни қўшишга, ўз-ўзимизни идора қила олишга, аъло дара- жада билим олиб, малакали кадрлар бўлиб етишиш йўлида меҳнат қилишга, шунингдек, бирдам бўлиб, мустақил дав- латимиз, тилимиз, маданияти- миз, кадриятларимиз, анъана- ларимизни юксалтиришга ўз хиссамизни қўшишга, аждод- ларимиз орау қилган, интилиб яшаган, юксак маънавиятли инсонлар жамиятини яратиш- га масъулмиз.

**Шоҳсанам ЖўРАЕВА,
ТАТУ талабаси**

Бир вилоятдан икки хабар

Замонавий хизмат турлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги қарорига асосан мамлакатимиз почта алоқаси ходимлари зиммасига соҳада иктисодий ислохотларни амалга ошириш, хизмат турларини кен- гайтириш, почта хавфсизлигини таъминлаш, почта алоқаси сифати ва ишончилигини ошириш мақсадида ахборот технологияларини қўллаш, мутахассислар тай- ёрлашнинг юқори даражасини таъминлаш сингари вази- фаларини бажариш юклатилган.

— Ушбу вазифаларни бажариш учун бугунги кунда тармок таркибида 14та почта алоқаси бўлимлари фаолият юритмоқда, — дейди Марғилон шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдулазиз Ўлмасов. — Олтига компю- тер орқали замонавий хизмат турлари йўлга қўйилган. Тармок бўлимларида ОАТ "Агробанк" Марғилон фили- али билан ҳамкорликда ўрнатилган 14та пластик карточ- ка терминаллари орқали аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, тармоқда 2012 йил учун газета ва журналлар обунаси муваффақиятли яқунланди.

Фойдали семинар

Ахмад ал-Фарғоний номдаги Фар- гона вилоят ахборот-кутубхона марказида "Ахборот-ресурс марказларида китоб алмашинуви ва адабиётларни қайта тақсимлашни мувофиқлаштириш, кўчма фондларни ташкил этиш, китоб- хонларга хизмат кўрсатиш бўйича ус- лубий ишларнинг йўлга қўйилиши" мавзусида вилоят семинари бўлиб ўтди.

АКМ томонидан ташкил этилган бу семинарда туман маънавият тарғиботи маркази, ахборот-ресурс марказлари ходимлари ҳамда мактаб ўқитувчиси- лари иштирок этди. Улар мавзу юзаси- дан олиб борилган ишларни видеоро- ликлар орқали кузатиб боришди. "Ин- сон ҳаётида китобнинг ўрни" мавзусида ташкилланган услубий тавсия ҳам қат- нашчиларга манзур бўлди.

Мухаммадjon МАХМУДОВ

Ғузур тумани бугунги кунда йирик sanoat корхоналари фаолияти, намуна- ли уй-жойлар қурилиши, тадбиркорлар томонидан янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиши билан қайтадан бўй ва чирой очмоқда. Бунинг натижасида аҳоли ва ташкилотларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш салмоғи ҳам ошаётир.

Телекоммуникация боғламамиз томо- нидан 2011 йилнинг 1 декабр ҳолатида 92 нафар абонентни интернетга улаш иш- лари амалга оширилди. Шундан 22 нафари ҳуқуқий мақомга эга ташкилотлар, 70таси

аҳоли хонадонларидир. Улардан бир ойда олиннадиган даромад ўртача бир ярим миллион сўмни ташкил этмоқда.

Кўрсатилаётган хизматлар бўйича 13,5 млн. сўмдан ортик даромад олин- япти. Биргина ноябр ойининг ўзида 24та абонент CDMA-450 стационар телефо- нига улашиб, 2011 йил бошидан хозир- гача 200тадан ортик стационар теле- фон аппаратлари ўрнатиб берилди.

Боғламада мавжуд 2592та сифидан

2170таси ишлатилапти, қишқок теле- фон тармоғи тўлиқ CDMA-450 стан- дартга ўтказилган. Шаҳарлараро магистрал алоқа кабеллари Ғузур тумани орқали ўтган. Хозирги кунда боғлама- мизда 2012 йил учун белгиланган режа- ларни уддалашга барча ходимларимиз астойдил ҳаракат қилмоқда.

Туманда янги лойиха асосида замо- навий тураржой бинолари ўз эгаларига топширилаётганлиги боғламамиз олди-

га бу каби янги тураржой биноларига алоқа линияларини тортиш, сифатли, тезкор алоқа хизмати билан таъмин- лашдек вазифаларни қўймоқда.

Бу улғувор вазифалар боғламамиз хар бир ишчи-ходими масъулиятини ошириб, янги йилда янги лойихаларни рубёга чиқариш борасида изланишларга чорламоқда.

**ШУҲРАТ ДАВЛАТОВ,
Ғузур телекоммуникациялар
боғламаси бошлиғи**

FOYDALI SAYTLAR




Юртимизда дастурлаш тилларини ўрганувчи ёшлар кўплаб топилади. Бу йўналишда илк билимни интернет орқали олиш имкони ҳам бор. Агар хориж тилларини мукаммал билсангиз, глобал тармоқ орқали дастурлаш тиллари ҳақида исталганча маълумотга, қўлланмаларга эга бўлишингиз мумкин. Унганча эса ўзбек тилидаги айрим ресурслардан фойдаланиб турсангиз бўлади. Масалан, dastur.uz сайти орқали.

Dastur.uz

dastur.uz сайти муаллифлари қуйидагиларни ўз олди- га мақсад қилиб қўйишган:

1) Дастурлаш тилла- рини (c++, c#, delphi, java, pascal, ...) ўрга- нишни хоҳловчилар учун ўзбек тилида пор- тал яратиш. Яъни, дастурчи бўлишни хоҳлов- чилар учун ёрдам қўли чўзилади.



Жумладан, сайтдаги турли қўлланмалардан ташқари, дастурлаш бўйича савол- ларга forum.dastur.uz орқали жавоб берилади. Шунинг- дек, қилинган ишлар, видеокурсларни кўриш учун алоҳида бўлим ташкил этилган.

2) Компютер саводхонлиги: Windows, Linux ва офис дастурлари, Word, Excel, Access, PowerPoint ва ҳоказолар билан ишлаш бўйича маълумотлар берилади.

3) Компютер муҳандислиги. Windows ёки Linuxни, хар хил дастурлар, антивирусларни ўрнатиш ва базасини янгилаб туриш бўйича тавсиялар. Компютерда содир бўладиган бузилишларни тузатиш борасида маслаҳатлар бериб бориш. "Профессионаллик сари дастлабки 5 кадам" бепул видеокурси бу бўлим бўйича дастлабки қилинган ишлардан хисобланади.

4) Дастурчи бўлиш ёки компютердан профессионал даражада фойдаланиш учун хозирги кунда инглиз ёки рус тилини яхши билиш керак. Шунинг учун инглиз ва рус тилларини ўрганиш юзасидан ҳам қўлланмалар сайтда жойлаштирилиб борилади.

5) Компютер ва интернет оламида юз бераётган янги- ликлардан воқиф этиш ва ҳоказо.

Албатта, хозирча мазкур сайтни мукаммал кўринишга келиб улгурган деб бўлмайди. Аммо унда фойдали маълумотлар етарлича топилади.

Изланишларга чорламоқда

Ватан ягонадир,

Дарҳақиқат, жаҳонда юртлар кўп, лекин ҳар бир инсон учун Ватан битта, у ҳам бўлса аجدодлари яшаб ўтган, узининг киндик қони томган азиз маскандир. Шунинг учун ҳам Ватан нон каби, жон каби қадрланади, уни ёт кучлардан мудофаа қилиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай собит турувчилар эса энг хурматга сазовор инсонлар бўлиб, биз фахру ифтихор билан уларни Ватан ҳимоячилари дея ардоқлаймиз. Уларга ишонамиз ва доимо соғу саломат юришларини истаймиз.

Юртимизда Ватан ҳимоясига ҳамма вақт жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шу эътибор туфайли истиқлол йилларида армиямиз ҳар томонлама ривожлантирилди, миллий армиямизда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли замонавий, юртимиз дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоялашга қодир, тезкор, ихчам, профессионал Куролли Кучлар шаклланди. Энг қувонарлиси, йигитларимиз армия сафларида хизмат қилишни шараф деб билмоқдалар.

Муборак бўлсин, дейман!

Дунёда касблар кўп. Лекин улар ичида ўта масъулиятли, шунинг билан бирга, ўта шарафли бир касб борки, юрт осойишталиги, одамлар хотиржамлиги ўша касб эгаларининг ақлий ва жисмоний баркамоллиги, хушёрлиги, заковатига боғлиқ. Булар Ватан ҳимоячилари — юрт сарҳадларини зийраклик билан қўриқлаётган, йил сайин ўзгариб, янгиланиб бораётган мудофаага хизмат қилувчи техника ва қурол-аслаҳаларни синчковлик билан ўрганиб-ўзлаштириб бораётган, замонавий алоқа технологияларини мохирлик билан бошқараётган, махсус авария-тиклаш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошираётган аскар ва офицерлардир.

Эртага ана шу шарафли касб эгалари байрами. Мен ўзим ҳамда бошқармамиз раҳбарияти номидан республикамиз мудофааси йўлида хизмат қилаётган барча Ватан ҳимоячиларини, азиз халқимизни, алоқа ва ахборотлаштириш тизими ходимларини ҳамда қисмининг ривожланишига ўз вақтида муносиб ҳисса қўшган шу соҳа фахрийларини Ватан ҳимоячилари кунин билан чин юракдан табриқлайман. Ўзларига мустахкам соғлиқ, оилаларига хотиржамлик тилайман.

Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлаверсин. Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Юрий САБИРОВ,
Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи, полковник

ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИ

● 1991 йилнинг 6 сентябр куни мамлакатимиз Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги Қонунига биноан, 14 январь юртимизда "Ватан ҳимоячилари кунин" деб эълон қилинди.

● 1995 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академиясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● 2001 йилнинг 11 майда Янги тахрирдаги "Мудофаа тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

● 2002 йилнинг 12 декабр куни "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

● 2010 йилнинг 12 январида Юртбошимиз ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизда бунёд этилган "Ватанга қасамд" ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Талабаликда туғилган ҳавас

Ёшлик инсон ҳаётининг шиддатли, орзу-ҳавасларга бой фасли бўлиб, баъзан ўша даврдаги биргина қизиқиш унинг умр йўлини белгилайди. Унга бахту омад олиб келади, ўтаётган кун ва ойларини завққа тўлдиради, қалбида танлаган йўлидан қониқиш пайдо қилади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) алоқа ва авария-тиклаш ишларини ташкиллаштириш бўлими катта офицери, 3-даражали мутахассис майор Рамил КУГАТОВ ҳаёти бунга ёрқин мисолдир.

Рамил 1972 йилда Тошкент шаҳрида, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза марказида етакчи илмий ходим-эксперт бўлиб ишловчи Феруза ҳамда қурилиш соҳаси мутахассиси Юрий Владимировичлар хонадонидан дунёга келди. Оиладаги мухит туфайли жиддий ва қизиқувчан бўлиб вояга етаётган Рамил мактаби аъло баҳоларга тамомади ва 1990 йилда Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетига ўқишга кирди. У талабалар орасида ўзининг ўткир қобилияти ва ҳаракатчанлиги билан алоҳида ажралиб турарди. Олийгоҳни муҳандис-электрончи мутахассислиги бўйича тамомлаган Рамил Кугатов дастлаб иш фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Материалшунослик институтининг "Физика-қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандисликдан бошлади. 1997 йилда эса Республика ички ишлар вазирлигида оператив алоқа бўйича муҳандис вазифасига ишга қабул қилинди. Бу ерда у хар томонлама чиникди, ўзига топширилган вазифага янада кўпроқ масъулият билан қарашни ўрганди. 2002 йилдан

бошлаб Рамил ҳозирги вазифасида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Ҳарбийлик либоси ўзига ярашиб турадиган, жиддий, шунинг билан бирга, қувноқ ва келажакка ишонч билан боқувчи бу йигитни жамоадорлари-ю маҳалладорлари хурмат қилишади, ёшлар эса ҳавас билан қарашади. Узок йиллар масъул вазифада меҳнат қилиш билан бирга, фарзандларини ҳам катта умидлар билан вояга етказган онаси Феруза Кугатованин эса қалби ғурур ва ифтихорга тўлиқ. Ўғлининг камолдан мамнун она фарзандлари меҳру ардоғида умр кечирмоқда. Республика нейрохирургия марказида ҳамшира бўлиб ишловчи келини Алфия унинг хизматида бўлиб, кўнгилни олишга ҳаракат қилмапти. Невараси Рустам оила қувончи.

"Ҳарбий соҳага қандай қизиқиб қолдингиз?" деган саволимизга Рамил шундай жавоб қилди:

— Олийгоҳда ўқиб юрган пайтимда ҳарбий кафедрамиз бор эди. Икки йил давомида ўқиб, артиллериячиликнинг сирасорларини ўрганганман. Ўшанда пайдо бўлган ҳавас менга тинчлик бермади.



Кўриб турганингиздек, ҳарбий либосни фахр билан кийиб юрибман. Институтни битирганимда лейтенант ҳарбий унвоним бор эди. Ҳозир эса қаршингида майор Кугатов ўтирибди.

Ўтган йили "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирландим. Қўлга қиритаётган муваффақиятларимда, аввало, онамининг, шунингдек, устозларим ва жамоадорларимнинг хиссалари катта деб ўйлайман.

Қолаверса, Ватан ҳимоячиси бўлишдек бурч мени доимо хушёр туришга, юрт мудофааси йўлида янада кўпроқ билим билан бор куч ва имкониятларимни ишта солишга чорлаб туради.

Ҳа, Рамил каби Ватан ҳимоячилари бор экан, кунларимиз тинч ва осойишта ўтаверади.

МАТБ ҳаётинан

● 1998 йил. 15361-ҳарбий қисм негизига ЎзААА Махсус авария-тиклаш бошқармаси ташкил этилди. Янги штаб биноси ва казарма қурилди.

● 2000 йил. Бошқарув пункти кўчма алоқа боғламасининг биринчи навбати ишга тушди. Аскарлар ошхонаси, тиббий пункт, аскарлар учун ҳаммом реконструкция қилинди.

● 2001 йил. 3-сонли ПУСПУ комплекс радиостанцияни яратиш бўйича ишлар якунланди. Ушбу Қурилма авария-тиклаш ишлари штабининг раҳбар таркибини ЎзААА Бош директори, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, МАТБ бошлиғи ва давлат бошқарув органларининг бошқа раҳбарларини алоқа билан таъминлаш учун мўлжалланган. Қутубхона, ўқув хонаси ва мажлислар зали бўлган клуб таъмирланди.

● 2002 йил. Кўчма транкинг ретранслятор йиғилди ва ишлаб чиқаришга топширилди. Худуд чегараси бўйлаб тўсиқлар янгиланди. МАТБнинг веб-сайти яратилди ва интернет тармоғига жойлаштирилди.

Ватан биттадир!

Махсус авария-тиклаш бошқармаси ҳарбий хизматчилари Ферузахон ва Тўлқинжон Эсоновлар ҳақида гап кетгудай бўлса, "Тақдири қисмда туташган инсонлар" дея таъриф беришади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Олис Фарғонадан йигитлик бурчини ўташ учун 15361-ҳарбий қисмга келган Тўлқинжон қисм алоқа бўлими телефончиси шахло кўзли Ферузахонни ёқтириб қолиб, улар турмуш қуришди ва шундан бери бир-бирларига кўмақдош, маслақдош бўлиб Ватан мудофааси йўлида хизмат қилишмоқда.

Қисмда туташган тақдирлар

ҲАРБИЙЛИК — БОЛАЛИК ОРЗУСИ

Тўлқин Эсоновда ҳарбийликка кизиқиш ўқувчилик — "Шунқорлар" командасида иштирок этиб, гоҳ гоҳлиб, гоҳ мағлуб бўлиб юрган ўт-олов пайтида пайдо бўлди. Коллеж директори бўлиб ишлаган отаси Нишонбой ака, узок йиллар мактабда муаллимлик қилган онаси Хадича аялар бошқа фарзандлари қатори Тўлқинжоннинг ҳам онгига Ватанга муҳаббат туйғусини сингдиришга ҳаракат қилишди. "Сен ўғил боласан, оиланг аъзолари, юртинг тинчлигини муҳофаза қилиш сенинг зимманга эканлигини унутма. Спорт билан шуғулланишни қанда қилма. Сен мард ва жасур йигит бўлиб вояга етишинг керак", дея уқтиришдан чарчамасди ота-она.

1998 йил мактабни тугатгач, у Фарғона шаҳридаги компьютер ўқув марказида ўқиди. Бир йиллик таҳсилдан сўнг унга "Компютер оператори" мутахассислиги дипломини беришди. Ва 1999 йилда муддатли ҳарбий хизматга жўнади.

Болалигимда ҳарбий кийимдагиларни кўрсам юрагим бир халприкиб тушарди, — дейди сержант Эсонов биз билан суҳбатда. — Тўғриси айтсам, муддатли хизматдан сўнг аскарлик кийимини ечим, ҳарбий ҳаётдан узоклашгим келмади. Ота-онамнинг розилиги билан шартнома асосида хизматни давом эттирдим. Шунга ҳам мана, ўн икки йил бўлибди.

Ўтган йиллар Тўлқин Эсонов учун ўсиш, улғайиш йиллари бўлди. Ўз устида ишлаб, билимларини ошириб борди у. Берилган топириқларни вақтида бажариш, бошлиқ ва ҳамкасбларига бўлган самимий муносабати, хизматга янги келган аскарларга меҳрибон ва талабчанлиги сабаб қисмда унинг обрў-эътибори ортиб борди. Энг муҳими, у катта ишончга эришди. Ана шу ишонч сабаб Т.Эсоновга 1-авария-тиклаш ишлари маркази бошлигининг таъминот бўйича ёрдамчиси вазифаси топширилди.



Шундан бери ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажармоқда. 3-тоифали ҳарбий мутахассис Т.Эсонов "Қисм ташкил этилганлигининг 50 йиллиги" нишони билан тақдирланган.

КАСБИДАН ФАҲР

Чиройли коматиға ҳарбий кийим ярашиб турган, кўзларида қатъият, билим, ҳарбийларга хос шижоат мужассам Феруза МАТБда алоқа бўйича навбатчи телефончи. Касбини гоёта яхши кўради, фахрланади.

Ташкент алоқа касб-хунар коллежиде ўқиб юрган пайтидаёқ Фавкуллода вазиятлар вазирлигида алоқа техникни бўлиб иш бошлаган Ферузани 2004 йилда 15361-қисмга алоқачилик вазифасига ўтказишди. Шундан бери у ўзига топширилган ишга масъулият билан ёндашган ҳолда фаолият юритмоқда.

Ферузанинг Махсус авария-тиклаш бошқармасига келиши унга хар томонлама омадли бўлди. У бу ердаги уста алоқачилардан билмаганларини ўрганди, ўзи ҳам тажриба тўплади. Табиатидаги вазминлик, хушмуомалалик унга обрў кел-

тирди. У бу ерда бахтини ҳам топди. Фарғонанинг жўмард ўғлини Тўлқин Эсонов билан севиб-севилиб турмуш қурди. Бугунги кунда уларнинг Рухшона исмли ширин кизчалари бор.

— Ҳарбий соҳада ишлаш аёллар учун осон эмас — дейди Феруза. — Ҳарбий интизом асосидаги иш, тунги навбатчиликлар. Лекин турмуш ўртоғим билан битта соҳада эканлигимиз сабаб мен кўп қийналмайман. Тўлқин акам ҳамма вақт қўллаб, ёрдам бериб туради. Қолаверса, онам, Расима Гилязовадан беҳад миннатдоримиз. Онажоним оила ишларида, фарзандим тарбиясида яқиндан ёрдам берапти.

Мен ҳарбий соҳада фаолият юритаётган барча аёллар, ёш мутахассислар сингари Ўзбекистондаёқ жаннатмонанд юртда яшаётганимдан, шу юрт мудофаасига озми-кўпми ҳисса қўшаётганлигимдан бахтиёрман. Эртага нишонланадиган кутлуғ байрам билан барча ҳамкасбларимни табриқлайман. Ойдаларига тўқинлик, фаровонлик тилайман.

Юртимиз осмони хамиша мусаффо бўлсин!

Ферузанинг тилаклари ижобат бўлишини биз ҳам истаймиз.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Яхши фарзанд — эл ғурури дейди халқимиз. Дарҳақиқат, дунёда бекиёс, гўзал диёримизнинг кундан-кунга ривож топиб боришига ўзларининг бор истеъдоди, маҳорати, жасорати ва ҳалол меҳнати орқали, қолаверса, она Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини жондан азиз қўриб, юртимиз тинчлигини таъминлаш йўлида бекаму кўст хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг хизматлари чексиз ва чегарасиздир.

Ватан бу — киндик қонимиз тўқилган муқаддас маскан. Албатта, Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш учун қўллаб ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, бугунги кун ёш аскарларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, Она юртимизга бўлган меҳр-муҳаббатини оширишга, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаб беришга, шунингдек, ўз ҳарбий қасамидега содиқ қолган ҳолда жонажон Ўзбекистонимизга, халқимизга сидқидилдан, садоқат билан беиннат хизмат қиладиган Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга жуда катта эътибор берилмоқда. Йилдан йилга Қуролли Кучларимиз сафига ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол, қобилиятли, теран фикрли аскарларнинг келиб қўшилиши, энг асосийси, армиямизнинг замонавий техника ва қурол-яроғ билан тўла таъминланганлигининг ўзи бизнинг Қуролли Кучларимиз тенгсиз кучга эга эканлигидан далolat беради.

Биз ёш аскарларга ўзларининг бор меҳнати орқали маънавий-маърифий, жанговар, ҳарбий-тактик машғулотларнинг сир-асрорларини иқир-чиқиргача ўргатиб, сабоқ бериб келаётган офицер ва сержантларнинг ўрни ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир.

Мен мана шундай тинч ҳаётимизни таъминлаб бераётган, элим деб, халқим деб кечар кундуз сидқидилдан хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар билан бир сафда хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Азамат ЖУМАБОВЕВ,
МАТБнинг 1-авария-тиклаш ишлари маркази муддатли ҳарбий хизматчиси

Қўшсаҳифа материалларини Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади

2003 йил. МАТБ "Фарғона-2003" халқаро ўқув машқларини алоқа билан таъминлади.

2004 йил. МАТБ "Қамчиқ-2004" ўқув машқларини алоқа билан таъминлади. Кириш-чиқиш пункти янгида қурилди ва тантанали равишда очилди, шахсий таркиб қазармаси тўлиқ қайта қурилди.

2005 йил. МАТБ Қамчиқ довоғида юз берган фавкуллода ходиса оқибатларини бартараф этиш ва декабр ойида ўтказилган тактик-махсус ўқув машқлари вақтида алоқа билан таъминлади. Май ойида иккита махсус оператив алоқа автоулови — "Жайрон" синов тариқасида ишга туширилди. МАТБ шахсий таркиби учун "Махсус тайёргарлик бўйича ўқув қўлланма"нинг биринчи қисмини тайёрлаш бўйича ишлар бошланди ва қўлланма чоп этилди.

2006 йил. Иккита "Жайрон" комплекс радиостанцияси йиғилди ва экипажлар билан бутланди. МАТБ Қамчиқ довоғида сентябр ойида ўтказилган тезкор-тактик ўқув машқларида, ноябр ойида Андижон вилоятида ўтказилган Фуқаролар муҳофазаси кучларининг қўмондонлик-штаб ўқув машқларида иштирок этди ва уларни алоқа билан таъминлади.

В УзАСИ СОСТОЯЛАСЬ ВСТРЕЧА

С ДЕЛЕГАЦИЕЙ КОМПАНИИ "HCL TECHNOLOGIES LTD."

В ходе Государственного визита Президента Республики Узбекистан в Республику Индия в мае 2011 года был подписан Меморандум о взаимопонимании между Узбекским агентством связи и информатизации и Министерством связи и информационных технологий Республики Индия о сотрудничестве в сфере информационных технологий, который определил приоритетные направления двустороннего сотрудничества в данной области.

В рамках реализации Меморандума в октябре 2011 года стороны подписали Совместный план действий, одним из основных направлений которого является совместная разработка и производство программных продуктов с привлечением в этот процесс ведущих индийских компаний.

С этой целью организован визит в Узбекистан делегации компании

"HCL Technologies Ltd." (Индия) во главе со старшим вице-президентом Радживом Содди. В ходе визита 9 января 2012 года состоялась встреча индийской делегации в УзАСИ.

Компания "HCL Technologies Ltd." входит в группу компаний "HCL", которая является одной из четырех крупнейших ИТ-компаний Индии. Компания "HCL", созданная в 1976 году, в настоящее время осуществ-

ляет операции в 31 стране мира. Общий объем дохода компании по состоянию на август 2011 года составляет 6 млрд. долл. США. В компании работают 85 тыс. чел.

В ходе встречи стороны обсудили возможности установления взаимовыгодного сотрудничества по разработке и производству программных продуктов. Состоялся обмен мнениями по перспективным направлениям сотрудничества в сфере совместной разработки и производства программных продуктов в реальном секторе экономики, внедрении и использовании передовых индийских технологий и инноваций при реализации проектов по разработке и внедрению программных продуктов, с дальнейшей возможной организацией их экспорта.

Aci.uz

ГОСТИ ОЗНАКОМИЛИСЬ

С ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ АК "УЗБЕКТЕЛЕКОМ"

9 января 2012 года в филиале "Центр развития персонала" и АК "Узбектелеком" состоялась встреча с делегацией компании "HCL Technologies Ltd." (Индия) во главе со старшим вице-президентом Радживом Содди.

Во встрече принимали участие первый заместитель Генерального директора УзАСИ Х.Мирзахидов и генеральный директор АК "Узбектелеком" М.Махмудов.

В ходе встречи стороны ознакомились с деятельностью АК "Узбектелеком" и, в частности, с работой филиала "Центр развития телекоммуникаций и персонала АК "Узбектелеком".

Филиал "Центр развития телекоммуникаций и персонала АК "Узбектелеком" был создан в 2003 году при непосредственном участии Узбекского агентства связи и информатизации и Ташкентского университета информационных технологий.

Объединение усилий УзАСИ, ТУИТ, АК "Узбектелеком" и зарубежных компаний позволило создать единственную на сегодняшний день в Центрально-Азиатском регионе мощную учебную базу для подготовки и повышения квалификации специалистов по связи и информатизации не только телекоммуникационных компаний, но и министерств и ведомств различных отраслей экономики республики.

Сегодня в центре размещены два лекционных зала, классы оснащенные: передовым оборудованием по технологиям DWDM, передачи данных DATACOM, мо-



бильной связи стандарта CDMA и GSM, оборудованием оптических систем передачи. В центре имеются компьютерный класс, кабинет для проведения занятий по технике безопасности, оснащенный необходимым оборудованием и материалами, конференц-зал, оснащенный средствами для проведения видеоконференций и дистанционного обучения.

Во время встречи состоялся обмен мнениями по перспективным направлениям сотрудничества в сфере совместной разработки и производства программных продуктов в реальном секторе экономики, внедрении и использовании передовых индийских технологий и инноваций при реализации проектов по разработке и внедрению программных продуктов, с дальнейшей возможной организацией их экспорта в зарубежные страны, включая страны СНГ.

Uztelecom.uz

Зимний чемпионат Узбекистана по еспорту UCG2012 WINTER Lisnet

С 20 по 29 января 2012 года будет проходить зимний чемпионат Узбекистана по компьютерным играм (еспорту) UCG2012 WINTER Lisnet. Организаторами чемпионата выступают журнал InfoCOM.UZ и сеть клубов Lis Gamer's Net (Lis.net).

Чемпионат будет проводиться по трем дисциплинам:

1. FIFA 2011 — одиночная игра
2. DotA — командная игра 5x5
3. Counter-Strike 1.6 — командная игра 5x5

Окончание регистрации: 19 января 2012. Место регистрации — новый интернет-клуб "Чех". Адрес: город Ташкент, Мирабадский район, ул. Чехова, д.7. Ориентир: главные офисы компаний "Hi-Tech Банк", офис "Perfectum Mobile".

График проведения соревнований:

1. FIFA 2011 (пятница, 20 января 2012г.)
2. DotA (суб. воскр., 21-22 января 2012г.)
3. Counter-Strike 1.6 (суб. воскр., 28-29 января 2012г.)

Количество участников: неограниченно. Система проведения: Олимпийская система.

Участие бесплатное. Призовой фонд предоставляется сетью клубов Lis Gamer's Net.

"Билайн" вручил призы победителям Мега Акции

Единый оператор связи "Билайн" подвел итоги Мега Акции 2011 года. Торжественная церемония, состоявшаяся в Центральном офисе "Билайн", собрала множество зрителей. В присутствии абонентов, представителей СМИ и других гостей 19 победителям проекта были вручены планшеты Apple iPad 2 и смартфоны Samsung Galaxy S II.

КОРОТКО...

● Расходы жителей всего мира на покупку бытовой техники в 2012 году впервые превысят 1 трлн. долларов. Об этом свидетельствует исследование, подготовленное исследовательской компанией GfK Digital World совместно с Ассоциацией Consumer Electronics Association (CEA). В прошлом году продажи составили 993 млрд. долларов.

● Спустя девять месяцев тестирования, предстоящая версия браузера Google Chrome получает новую возможность, позволяющую ему фильтровать вредоносные файлы, которые злоумышленники пытаются пользователя выудить загрузить.

● Работает Chrome-версия антивирусного фильтра при помощи Safe Browsing API, позволяющих блокировать загрузки с хостов, размещенных на определенных доменах. Первая версия фильтра работает только в отношении файлов с расширениями .exe и .msi.

● Компания Casio разработала новую визуальную технологию передачи информации между смартфонами и другими электронными устройствами за счет визуального кодирования небольших наборов пикселей, появляющихся на экране одного устройства и улавливаемых камерой другого устройства.

● Новая технология при всей своей простоте имеет несколько важных преимуществ: во-первых, она не использует какие-либо радиоканалы, интернет-доступ или инфракрасную связь, во-вторых, она не требует специальных передатчиков на устройствах, в-третьих, ее могут поддерживать все современные смартфоны, в-четвертых, она позволяет по одному каналу одновременно передавать информацию на 10-15 устройств-приемников сразу.

● Группа инженеров из Университета Калифорнии в городе Санта-Барбара говорит о разработке самого маленького из существующих электропроводов. Созданный "провод" имеет толщину всего 4 атома и располагается внутри кремниевоего чипа. Созданный образец провода по крайней мере в 20 раз тоньше медных соединительных проводов, существующих в самых современных процессорах и чипах памяти.

● По информации токийского делового ежедневного издания Nikkei Business Daily, нынешний президент корпорации Sony Говард Стрингер дорабатывает свои последние дни на посту. В следующем месяце Стрингеру исполняется 70 лет и накануне его юбилея будет официально объявлено о том, что новым главой компании станет глава подразделения потребительских продуктов Sony Казуо Хираи.

● Несмотря на волну критики и угроз юридического преследования, интернет-корпорация ICANN, управляющая доменным пространством в сети, намерена расширить доменное пространство в интернете, открыв возможность регистрации доменов верхнего уровня. Впервые данный план официально был озвучен еще в июне 2011 года, он предусматривал свободную регистрацию доменных зон, которые должны были сосуществовать вместе с оригинальными TDL, такими как .com, .net или .org. Потенциально данный шаг может привести к появлению миллионов доменных зон.

По материалам интернет

Xalqaro hayot



БМТ Бош котиби Пан Ги Мун 2012 йил жаҳон ҳамжамияти учун ўтган йилгидан кийинроқ кечилини айтган. "Барчамиз Сурия, Ливия ва Яман, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Судандаги воқеаларни кузатиб турибмиз, — деган Бош котиб журналистлар билан учрашувда. — 2012 йилда Африкада ва айрим ўта муҳим давлатларда сайловлар бўлиб ўтади. Глобал молиявий инқироздан барча зарар кўради, жумладан, БМТ ҳам".

Унинг айтишига караганда, дунё "жиддий иктисодиёт палласи"да яшайпти, шунинг учун ҳам ташкилотга аъзо 193 давлатнинг барчаси ўзгараётган вазиятга мослаша олиши керак.

БМТнинг ўзи ҳам 2012-2013 йилги бюджетини анчагина қисқартирди, бу ҳолат ташкилот тарихида иккинчи бор юз беришидир.

МЕКСИКАнинг Алтамир шаҳридаги камқоннада келиб чиққан тартибсизликлар оқибатида 31 нафар махбус ҳаётдан қўз юмган, 13 нафар эса тан жароҳати олган.

Манабда келтирилишича, икки жиноий гуруҳ аъзоларининг ўзаро жанжалдан бошланган тартибсизлик оммавий муштлашувга айланиб кетган. Уларни тинчлантиришга аскарлар ва денгиз пийда кўшинлари жалб этилган.

ХИТОЙ АКШнинг Эрон нефт тармоғига қарши санкциясини қўллаб-қувватламайди. Хитой замонавий халқаро муносабатлар академиясида тайёрланган шу мазмундаги мақола "Чайна дейли" газетасида чоп этилган.

Мақолада ёзилишича, декабр ойининг якунида АКШ президенти Барак Обама Эрон марказий банки ва мамлакат молиявий тармоғига қарши қатъий санкция қўллашга рухсат берганди. "Бу санкция Эроннинг нефт сотувидан оладиган даромадини қисқартирish ва шу орқали уни ядро қуроли яратиш дастуридан воз кечишга мажбурлаш мақсадини кўзлайди, — таъкидлайди газета. — Фақат Хитой ҳам амалий, ҳам мафқуравий сабабларга кўра буни маъқулламайди. Чунки Эрон нефтининг Хитой импортидаги ҳиссаси жуда катта, муқобил нефт етказиб берувчини топиш эса осон иш эмас".

"ЯНДЕКС" асосчиларидан бири ва компания директорлар кенгашининг фахрий раиси Бен Коул 88 ёшида оламдан ўтди.


Бен Коул Россиянинг энг йирик интернет-компанияларидан бири — "Яндекс" директорлар кенгашини 2000 йилдан 2008 йилгача бошқарди. Шунингдек, у 1993 йили ташкил этилган Россия ва собиқ иттифоқ мамлакатларида инвестициявий фаолият билан шуғулланувчи Cole Management компанияси асосчиси ва президенти эди.

СОМАЛИлик қароқчилар бир йилдан ортик тутқундан сўнг 15 грузин ва уч турк денгизчисини озод қилган. Айни дамда денгизчилар Грузия ҳукумати назоратида. Қуролланган қўриқчилар етакчилигидаги кема Кениянинг хавфсиз портларидан бирига йўл олган. Бир йилу тўрт ой гаровда бўлган денгизчиларга, гарчи уларнинг соғлиғи қониқарли бўлса ҳам, тиббий ёрдам кўрсатилмади.

Эслаб ўтамиз, Малта байроғи остида ҳаракатланаётган мазкур юк ташини кемаси 2010 йилнинг 8 сентябрида сомалилик қароқчилар томонидан қўлга олинган эди. Турли маълумотларга кўра, улар кема эгасидан уч миллион доллардан 15 миллион долларгача талаб қилинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

GARTNER: ҲИСОБОТ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Gartner тадқиқотлар компанияси жаҳон иктисодиёти ва евро зонасидаги таназзул сабабли 2012 йилги IT-харажатлар камайиши тўғрисидаги прогнозини қайта кўриб чиқди. Жумладан, компания

каттик дисклар ва хотира қурилмалари танқислиги сабабли компьютер қурилмалари ишлаб чиқаришда оксаш кузатилишини тахмин қилганди.

Қайта кўриб чиқилган ҳисоботда 2012 йили янги технология ечимлари учун сарф-харажатлар 3,7 фоизгача ўсиб 3,8 трлн. долларга етиши кўрсатилган. Ҳолбуки, сал аввал компания ўсиш суръати 4,6 фоизга етиши ҳақида хабар берганди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2011 йили ахборот технологиялари жаҳон бозори 3,7 трлн. долларни ташкил этганди.

Gartner мутахассисларига кўра, еврозодаги вазиятга ойдинлик киргунича Европа бизнес ва ҳукумат тизимлари янги техника ва дастурий таъминот харид қилиш учун қанчалик маблағ ажратиши борасида узил-кесил тўхтама қелиш мушкул. Компания бу ерда ҳозирча қутилганидек 3,4 эмас, балки 0,7 фоизлик ўсишга умид қилмоқда.

AT-хабарлар



*Лас-Вегасда ўтаётган CES 2012 кўргазмасида Dell компанияси ўзининг биринчи ультрабуки — XPS13 тақдиротини ўтказди. Бу ультрабук худди MacBook Airга ўхшаб кетади, ўлчамлари ҳам шунга яқин — 13 дюймлик экранга эга бўлиб, овирлиги 1,35 кг. Эътиборли жиҳати, XPS13нинг эни бор-йўғи 6 миллиметр.

Янги компьютер Intel Core i3, i5 ва i7 микропроцессорларида ишлайди. SSD-сақлагичи 256 гигабайтлик бўлиб, амалиётлар хотираси — 4 Гб.



График дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиси Corel шу ҳафтада рақамли фотосуратларни юқори сифатли ишловчи AfterShot Pro ечимини тақдим этди. Бу ишланма илгарироқ дунё юзини кўрган Adobe Photoshop Lightroom ва ACDSee Pro дастурларига рақобатчи сифатида кўрилмоқда.

Corel маълумот беришича, Aftershot Pro профессионал сураткашлар учун мўлжалланган бўлиб, суратларни архивлаш, бир йўла жуда кўплаб фотожамланмалар устида ишлаш каби имкониятларга эга.



Лондон шаҳрининг Вестминстер, Кенсингтон ва Челси ҳудудлари Европадаги энг йирик симсиз интернет зонасига айланади. Гап шундаки, жорий йил ёз фаслида Лондонда Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтиши муносабати билан шаҳар ҳокимияти ва O2 оператори ўртасида тегишли битим имзоланди.



Американинг Apple Inc. компаниясини бошқарётган Тим Кук 2011 йили АКШда энг кўп маош олган топ-менежерга айланди. Bloomberg агентлиги ҳисоб-китобларига кўра, ўтган йилги Стив Жобс издошининг даромади 378 млн. долларни ташкил этган.

Даромаднинг асосий қисми — 376,2 млн. доллар Apple акцияларидан келиб тушган. Кукнинг соф маоши 2011 йили 900 минг доллар эди.



Битта оптик кабел орқали 100 терабит/сония тезликда маълумот узатиш технологияси икки мустақил гуруҳ томонидан муваффақиятли амалга оширилди. Тўғри, ҳозирча, ҳар икки гуруҳ ҳам технология тажриба босқичидалигини ва уни такомиллаштириш кераклигини таъкидламоқда.




Хитойнинг Huawei компанияси CES 2012 кўргазмасида жаҳондаги энг юпка смартфонни намоишчилар эътиборига хавола этди.

Huawei Ascend P1 S аппарати қалинлиги атиги 6,8 мм. бўлиб, бошқа турдош Android-аппаратлардан тубдан фарқ қилади. Ихчам қурилма сўнгги авлод Android 4.0 Ice Cream Sandwich амалиёт тизимига асосланган.



Ажрашишларга сабабчи Facebook...



2011 йили Буюк Британияда никоҳлар бузилишининг учдан бир қисмига жаҳондаги энг йирик Facebook ижтимоий тармоғи сабабчи бўлган. Беш мингдан ортик ажримларни таҳлил қилиб чиққан Divorce online консалтинг компанияси мутахассислари шундай тўхтама қелишди.

Аниқланишича, эр ёки хотиннинг бошқа бировга дил изхори йўллаши, тармоқда бир-бирлари ҳақида "номақбул" шарҳлар қолдириши ва оила муаммоларининг ўзгалар билан "баҳам кўриши" кўпинча эр-хотин жанжали-

муқаддас қўрғонга заволад етказмоқда.

Бор-йўғи икки йил илгари бузилаётган никоҳларнинг фақат бешдан бир қисмида Facebook айбдор саналарди. Буборада Twitter микроблоглар хизматининг "улуши" негадир анча кам (5 минг ҳолатдан 20гача).

Таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқдаги ёзишмаларни кузатиб бориш унчалик ҳам қийин иш эмас. Баъзи бир фойдаланувчилар нафақат шахсий ҳаёти, балки, масалан, банкдаги ҳисоб-рақами, унда қанча пули борлигини ҳам оғзидан гуллаб қўйиши мумкин.

Яна мобил телефон ҳақида

Ҳақиқийсини қалбакисидан қандай ажратиш мумкин?

Тан олиш керак, мамлакатимиз, хусусан, пойтахтимиз электроника бозорларида телефон аппарати харид қилиш учун чиқарканмиз, асосан Хитой маҳсулотларини учратамиз. Бунинг сабабларидан бири Чин мамлакатининг "қўл узатса етгудек масофада" жойлашгани бўлса, яна бир сабаби номдор компанияларнинг ҳали жаҳон бозорларида тақдироти амалга ошиб улгурмаган сўнги русумдаги телефон аппаратларини хитойлик шоввозлар ҳаммабон нархларда ўз фуқаролари ва ён-атрофдаги қўшнларига тақлиф этаётгани бўлса керак. Аммо ҳақиқийсининг "Арзоннинг шўрваси татимас" ёки "Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур" деган ажойиб нақллари бор, шунинг ҳам унутмайлик. Бугунги тавсияларимизда мобил телефонлар, уларнинг асли ва қалбакиси нимаси билан фарқланади, гапнинг индаллоси, "иккинчи сорт" телефонларнинг нима учун ҳақиқийсига тенгалаша олмаслиги тўғрисида ичкон қадар сўз юритамиз.

Хитой телефонлари

Хитой телефонларини учта катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1-гуруҳ. Хитойда ўз савдо белгиси остида чиқариладиган телефонлар (тапикли компанияларнинг дизайни ва бошқа элементларига асосланган) — "ZTE", "Huawei" кабилар.

2-гуруҳ. Маҳаллий ва тапикли хориж бренди бирикмаси (дизайн, функциялар, номлашни ўхшаш) — NOKIA (Nokia), Vertu (Vertu), Wotorola (Motorola), iPhone (iPhone) ва бошқалар.

3-гуруҳ. Хориж компаниялари телефон аппаратлари ва брендларининг айнан нусхаси. Учунчи гуруҳ телефонларини тайёрлашда оригинал моделлардагига айнан ўхшаш корпуслар ишлатилади, қолаверса, дисплейлар, шлейфлар ва бошқа элементлар ҳам аслидан деярли фарқ қилмайди.

Нега қалбакиси ёмон?

Умуман олганда, масалан, дизайн ва функционаллик жиҳатидан қалбаки телефонлар ўзалари нусха олинган асил

телефон русумларидан асло қолишмайди. Ҳамма гап айнан шу ўхшашликда асида — баъзи-бир соғувчилар содда харидорларни бу ҳақиқийси деб анчамунчага туширишдан ҳам тойишмайди.

Қалбакисини аниқлашнинг иложи борми?

Албатта, бу жуда мушкул иш. Хозирги кунда хитойлик, қолаверса, хиндистонлик "уста"лар маҳорат бобида шунчаликка бориб етишдики, ҳатто ҳақиқий ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз маҳсулотларини қалбакисидан зўра ажрата олишяпти. Бироқ, шунга қарамасдан, айрим "ўзига хосликлар" бу борада бизга ёрдам бериши мумкин. Хўш, бу ўзига хосликлар нималарда намоён бўлади? Буни биз айрим телефон аппаратлари мисолида кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Nokia



Хитойлик "уста"ларнинг рус тилига "суяги йўқ" (Мана бу аппарат экрандаги ёзувларга эътибор бериң-а).

Гарчи сўнги йилларда жаҳон бозорларида Nokia компанияси ўз мавқени йўқотиб бораётган бўлса ҳам, барибир, хозирча, оммавийлиги жиҳатидан унга етадиган телефон русуми йўқ. Турган гапки, рекламага муҳтож бўлмаган бундай аппаратларнинг қалбакилари ҳам одатда кўп бўлади.

Демак, Nokia аппаратини танлашда аввало уни салмоқлаб кўрамиз. Қалбакиси ҳақиқийсига қараганда енгилроқ бўлади, бунга сабаб — ишлатилган ашёлар сифати ва таркибида пластмассанинг кўпчилиги. Бемалол телефонни салмоқлаб кўриңг, мўлжалингиздан енгил бўлса, у ҳақиқий эмас.

Аппарат корпусини синчиклаб текшириңг, унга ишлатилган пластмасса сифатига эътибор бе-

Бозорларимиз турли-туман хориж компанияларининг юзлаб, балки минглаб турдаги маҳсулотлари билан тўлиб-тошиб бораётган бугунги кунда бу савол аксарият истеъмолчиларни ўйлантираётгани рост, шундай эмасми?



Нусха олишда ўлчамларини чалқаштириб юборишди, шекилли...

ринг. Тугмаларини босиб кўриңг — овози жуда баланд бўлса, билинги, у қалбаки. Оригинал "Нokia"ларнинг тугмаси босилса унча баланд овоз чиқармайди.

Motorola

Бугун "Моторола"ни кам учратамиз. Шунга яраша унинг клонлари ҳам оз. Бироқ қалбаки аккумуляторлардан эҳтиёт бўлиңг. Агарда батареяси қалбаки чиқса, телефон аппаратининг қалбакилик эҳтимоли ҳам камида 70 фоизга тенг.

Ультрафинаш нур телефон ёрлиғига йўналтирилганда унда сарик чизикчалар кўринса унинг оригиналтигидан дарак. Телефон аппарати ички қисмидаги, батарея ортидаги ёзувларга диққатимизни қаратамиз, ёзув ксерокопиядан чиқкандек алфозда бўлса, демак, қалбаки. Туркум коди муҳим ўринга эга, масалан, Motorolaнинг L туркуми оригиналларида биринчи харфдан сўнг иккита рақам жойлашган.

Sony Ericsson

Бу компания маҳсулотлари ҳақиқийлигини "раскладушка" телефонларида билиш осон. Бундай телефон очилшида чиқкан ҳар қандай ортиқча товуш унинг сохталини англатади.

Барча турдаги Sony Ericssonларни аниқлашда уларнинг аккумулятор ортидаги металл қисми катта рол ўйнайди: унинг сарик рангда бўлиши кўлингиздаги телефон сиз истаган телефон эмаслигини билдиради.

iPhone

Мобил қурилмалар бозорига катта бурилиш ясаган iPhoneлар хитойлик

ишлаб чиқарувчилар учун ҳам ўзига хос совға бўлди. Масалан, Хитойнинг Xinhui компанияси унинг клонини iPhone Air (қизиғи, логотипида тишланган олма эмас, балки бутун олма тасвирини кўрасиз) номи остида чиқармоқда. Шунга қарамасдан, биз юқорида тилга олган учинчи гуруҳ телефонлари орасида, албатта, iPhone (Хитой) ҳам бўлиши турган гап. **Демак, мазкур смартфонни харид қилишда эътибор қилиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар қуйидагилар:**

1. Телефон қутисининг бутлигини, гарнитураларини кўздан кечириңг. Телефон ҳақиқий бўлгани билан аксессуарлари Хитойниқига алмаштириб қўйилган бўлиши мумкин.

2. Ҳақиқий iPhone аккумулятори 60 грамм бўлиб, FOXLINK ёки FLETRONIX (завод номи) ёзувлари туширилган. Хитойча шаклининг аккумулятори тахминан 40 грамм атрофида бўлиб, иероглифларга эга бўлиши ҳам мумкин.

3. Наушникларни фарқлаш жуда қийин. Қалбакисининг сими каттиқроқ бўлади.

4. Логотипдаги олма тасвирига қаранг, баъзи қалбакиларида у бошқа томондан "тишланган" бўлади.

5. Ҳақиқий iPhoneда экран ўлчами катта. Бу қалбакиси билан ёнма-ён қўйилганда кўзга яққол ташланади.

6. Хитойча iPhoneнинг қопқоғи жуда осон очилади. Ҳақиқийсини эса, жуда жипсе ёпилгани боис, бир-икки уринишда очиб мушкул.

7. Хитойча iPhoneда Wi-Fi ишламайди.

8. Хитойча iPhone сенсор экранни нафақат бармоқ билан тегилганда (худди оригинали каби), балки қалам, стилус ва ҳоказо жисмлар тегизилса ҳам ишлайди.

9. Сохта iPhoneда виртуал клавиатура мавжуд эмас.

10. Ҳақиқий iPhoneда TV функцияси ва табиийки, 20 сантиметрлик антенна ҳам йўқ.

11. Ҳақиқий iPhoneда хотира ўрнатилган тартибда ишлайди (16, 32 GB), қалбакисидан эса флешкада.

Шунинг унутмангки, "Made in China" бу асло қалбаки телефон дегани эмас. Чунки Nokia, Motorola, Samsung ва бошқа компанияларнинг Хитойда ўз заводлари мавжуд. Бироқ, масалан, Nokia аппаратининг "Made in Finland" ёрлиғи ва нисбатан арзон баҳоси ҳушёрликка қорайди. Негаки, Финляндияда ишланган оригинал телефон, ҳатто божхона харажатлари олиб ташланганда ҳам арзон бўлиши мумкин эмас. "Made in Finland" телефоннинг қиймати охирида 30 фоизга ошириш учун қўйилган бир чора бўлиши ҳам мумкин.

Қалбаки телефоннинг яна бир нуқсони ҳам аппаратнинг ўзида, ҳам дастурида намоён бўлади. Аппаратдаги ортиқча слотлар (иккинчи, учинчи SIM-карталар, microSD учун), оригиналдан фарқли равишда 3G-тармоқларда ишламаслиги ва ҳоказолар. Қўлбола телефонни аниқлашнинг осон йўлларида бири унинг камераси ва дисплейларидир. Аппаратда 3 ёки 5 мегапикселли тасвир олиш имконияти кўрсатилса ҳам Хитой телефонларида аниқ 0,3, нари борса 1 мегапикселли сурат олиш мумкин. Бунинг устига дисплейдаги нуқталар ҳам мана-мен деб яққол кўзга ташланиб туради.

ФАКТ:

Gartner компанияси ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон бозорларида сотилаётган ҳар бешинчи мобил телефон аппарати қалбаки ҳисобланади.

Эзгу мақсадларимиз кўп

"Турон" АКМ 3500га яқин китобхонага хизмат кўрсатмоқда

Поёнига етган 2011 йил "Турон" ахборот-кутубхона маркази учун ҳам эсда қоларли йил бўлди. Ҳақиқатан ҳам бир йил мобайнида марказимиз томонидан АКМ фаолиятини янада ривожлантиришга йўналтирилган амалий ишлар билан бир қаторда, китобхоналар маънавий-маърифий дунёқарашини бойитишга қаратилган жуда кўплаб тадбирлар, семинарлар ҳам ўтказилди.

Жорий йилда ҳам олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз кўп. Аввало, 2012 йилни Мустақкам оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан марказ томонидан ушбу мавзу доирасида фаол иш олиб борилди. Вилоятдаги АРМ ва кутубхоналар учун "Ахборот-кутубхона марказларининг Мустақкам оила йилидаги вазифалари" мавзусида семинар машғулоти ўтказилиши ва "Мустақкам оила — мустақкам жамият негизи" мавзусида услубий қўлланма тузиш ишлари жумласидандир.

"Турон" АКМда ҳар йили олиб бориладиган муҳим ва унутилмас саналарга бағишланган турли тадбирлар билан бир қаторда, Мустақкам оила йилига бағишланган "Мустақкам оила — ҳаёт абадийлиги, жамият барқарорлигининг асоси", "Оила — мустақкам кўрғон" номли китоб кўргазмалари, "Юрт тинчлиги оилалар тинчлигидан бошланади", "Эзгу кадрлар эъзози", "Оила соғлом — жамият барқарор", "Оила — мустақкам пойдевор", "Инсон азиз — хотира муқаддас", "Оила — мустақкам кўрғон", "Оила соғлом экан, маҳалла тинч, жамият мустақкам экан, мамлакат барқарор", "Экология ва ҳуқуқий маданият ҳақида", "Буюк элга фарзандимиз" ва бошқа

кўплаб долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ҳамда савол-жавоблар кечаларини ўтказишни режалаштириб олдик.

Бундан ташқари, Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китобининг тақдимотини ўтказиш кун тартибимиздан алоҳида ўрин олган.

Маълумки, Президентимизнинг 2011 йил 23 февралдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари сифатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори АКМлар ишини янада такомиллаштиришда муҳим рол ўйнамоқда. Шундан келиб чиқиб, марказимиз фаолиятига АКТни янада кенгроқ татбиқ этишга қатъий эътибор қаратилади.

Ҳақиқатан ҳам марказимизда йиғма электрон каталог шўъбаси ташкил этилди. KaDaTa компютер дастури асосида электрон каталогларни ташкил қилиш ишлари эса фаол олиб борилаётган. Ўйлаймизки, АКМнинг электрон каталоги Республика йиғма электрон каталогининг бир қисми бўлиб қолади.

Тошкент вилоятида 104та ахборот-ресурс маркази бор. Барча АРМларни республика



Мавзу доирасида:

Ҳозирда "Турон" ахборот-кутубхона маркази 384 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлиб, 60га яқинини электрон ҳужжатлар ташкил этади.

лика интеграл ахборот-кутубхона тармоғига улаш назарда тутилган. Ушбу йўналишдаги ишларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ахборот-ресурс марказларида АКТни жорий этиш мавзусида ўқув курслари ташкил этилиши, ахборот ресурсларини KaDaTa дастури электрон каталогига киритиш бўйича АРМ ходимлари учун турли ўқув-амалий машғулоти ўтказилиши ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисмлар кутубхоналари фаолиятига ташкилий-услубий ёрдам бериш мақсадида ҳарбий қисмлар кутубхоналарини автоматлаштириш бўйича семинар машғулоти, стажиров-

калар ва тажриба алмашув машғулотларини ташкил этиш ишларига ҳам пухта тайёргарлик кўриломоқда.

Эртага Ўзбекистон Республикаси Қуролини Кучлари ташкил этилганига 20 йил тўлади. Ушбу кутлуғ санга бағишланган тадбирлар режасидан Президентимизнинг "Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустақкам қафолатидир" асари асосида давра суҳбатлари ва "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг тақдимотини ўтказиш ўрин олганки, буларнинг барчаси китобхоналаримиз қалбига Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, истиқлолни асраб-авайлаш сингари туйғулар-

ни янада кучайтиради.

Марказимиз ТАТУ ва Ҳамза компютер технологиялари касб-ҳунар коллежи билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ҳамкорлик доирасида 2011-2012 ўқув йили учун тузилган ишлар давом эттирилиб, улар билан долзарб мавзуларга бағишланган семинар ва амалий машғулоти ўтказишга келишиб олдик. Вилоятдаги ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналари иш фаолиятини яқиндан ўрганиб, таҳлил қилиб, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш эса жорий йилда янада кенг қўлам касб этади.

Насиба ОМОНКЕЛДИЕВА,
"Турон" АКМ илмий-услубий бўлими мудири


Хориж хабари

2012 йили Озарбайжон ахборот-кутубхона тармоғини ривожлантириш бўйича кенг қўламдаги ишларни амалга оширишмоқчи. Бу ҳақда 1news.az хабар тарқатган.

Мамлакат вазири Абулфас Гараев маданият ва туризм вазирлиги йиғилишида ахборот-кутубхона тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлардан мақсад барча давлат кутубхоналарини ягона ахборот марказига улаш эканлигини, давлат бюджетидан ягона ахборот-кутубхона тармоғини яратиш учун йўналтириладиган молиявий маблағ ажратиб бўлинганини маълум қилди.

"Ахборот-кутубхона тармоғини ривожлантириш давлат дастури"ни жорий этиш доирасида бугун қанда ўнга ҳудудий кутубхоналар сайтлари яратилди. Яна бешта ҳудудий кутубхоналарда электрон кутубхона каталоги тайёрланди. Бундан ташқари, ахборот-кутубхона ривожлантириш орқали маҳаллий кутубхоналарнинг Грузия, Россия ва бошқа мамлакатлар марказий кутубхоналари билан алоқаларини кенгайтириш режалаштирилган.

Кеча АКМ ходимлари томонидан 71-186-ҳарбий қисмда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китоби тақдимоти ўтказилди. Ушбу тадбирда сўз сўз шарҳловчи Фахриддин Жамолов беш юздан ортиқ ҳарбий хизматчилар ва аскарларга китоб мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича тушунтиришлар берди.





Истиклолимизни, бахту саодатимизни, эркин ва фаровон ҳаётимизни кўра олмаган жангариларнинг бир гуруҳи Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари тоғли қишлоқларига бостириб кириб тинчлик ва осойиштагимизга раҳна солмоқчи бўлганлари эсимизда. Террорчилар қақшатқич зарбага учрадилар. Эл-юрт тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлида ўн икки нафар ўғлон жонларини фидо қилдилар.

Қаҳрамоннинг номи ўчмайди

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонини фидо қилган азиз фарзандлар орасида юртимизнинг мард ва жасур ўғлони Бобуржон Ганиев ҳам бор эди. Халқимиз, Ватан озодлиги, юртимиз тинчлиги йўлида шахид кетган бундай жасур ўғлонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

— Бобуржон Ганиевдек мард ва жасур фарзандимиз маҳалламизда камол топганидан фахрланамиз, — дейди "Йўрмадўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухторжон ака Хасанов. — Ганиевлар оиласи маҳалламизнинг ибратли ва намунали оилаларидан биридир. Ў даражали "Шон-шухрат" ордени билан муко-

фотланган марҳум Бобуржоннинг онаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, меҳнат фахрийси Мунаввархон хожи ая Ганиева шахримизнинг ҳурматли устоз муаллимаси сифатида эъзоз топган. Қаҳрамонимизнинг ака-укалари ҳам халқ, Ватан хизматини ўтаётган асл инсонлар. Бахтиёржон ва Баҳодинжон харбий хизматчилар, укаси Баҳромжон шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, онаси Гавҳарой хуқуқшунос. Бобуржон яшаган хонадонда шахар ҳокимлиги томонидан қаҳрамоннинг уй-музеини ташкил этилган, ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Унинг ёшлиги ўтган кўчага Бобуржон Ганиев номи берилган. Шаҳар ҳокимлиги маънавият маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ташаббуси билан

Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар ўтказилиб турилибди. Байрам олдидан қаҳрамоннинг уй-музейига шахардаги қорхона, ташкилот, муассасаларнинг вакиллари, лицей, коллеж ва мактаб ўқувчилари ташриф буюрмоқда. Жумладан, шахар почта алоқаси тармоғининг Нодира Хотамова раҳбарлик қилаётган 6-алоқа бўлими ходимлари ҳам уй-музейга келишди. Учрашувда қаҳрамонимизнинг онаси Мунаввархон хожи ая ўғли ҳақида почтачиларга батафсил сўзлаб берди. Онахон фарзандининг мард, жасур йигит бўлиб етишганидан, она Ватанга садокатли эканидан беҳад хурсанд.

Ана шундай ўғлонлар ҳақидаги таассуротлар ёшларимизда она Ватанга муҳаббат туйғулари уйғотади.

Мухаммаджон МАХМУДОВ

Тожигул опа

Юртимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тантанаси нишонланган 2011 йил ҳам ниҳоясига етди. Ўтган йилларга бир назар ташласак, келажакка ишонч билан қараётган ҳар бир инсон бунёдкорлик, яратувчилик ишқи билан яшаётганлиги га гувоҳ бўламиз.

Республикамизнинг қайси бурчагига борманг мухташам иморатлар, кенг кўчалар, янги боғлар, қурилиш объектлари ва шулар қаторида алоқа соҳасида ҳам ақл бовар қилмайдиган ўзгаришларни кўрасиз. Шу кунларда халқимиз ҳаётдан чуқур ўрин олган уяли алоқа, интернет, электрон почта, интернет-кафе, янги-янги телефон тармоқлари — бунёдкорлигимиз самарасидир.

Ана шундай бунёдкор инсонлар сафида Нукус шаҳридаги 222-АТС электромеханиги Тожигул Атабаева ҳам бор. Унинг алоқа соҳасидаги ҳалол меҳнатлари муносиб баҳолашиб, мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган



алоқа ходими" унвони билан тақдирланди.

Унинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, шу азиз заминда эзгу ниятлар билан яшаётган мингларча инсонлардан бири эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Тожигул 1975 йилда Нукус шаҳридаги 2-АТСга электромонтер вазифасига ишга қабул қилинди. Ҳаёт уммонига энди кадам қўйган ёш кизча учун бу ердаги алоқа жихозлари бир сирли дунё эди, гўё. У тажрибага иш устоз Раиса Исмоиловага шогирд сифатида бириктирилди. Тез вақт ичида тиришқок киз Тожигул алоқа соҳасини теран ўрганиб борди, ишлаш билан бирга, алоқа техникумини тугатди, бир неча марта малака

ошириш курсларида малака оширди. Шунингдек, Венера Мамбетжумаевадан ҳам касб сирларини ўрганди.

Йиллар ўтиб алоқа соҳасига ҳам янги техникалар жорий этила бошланди. Японияликлар билан ҳамкорликда амалга оширилган дастур асосида рақамли электрон АТСлар ўрнатилиб, аҳолига хизмат қилмоқда. Иш жараёнлари компьютерлаштирилмоқда. Бутун АТС иш жараёни назорати ЭХМ операторлари қўлида. Бу эса ҳар бир ходимнинг ишга янгича ёндашиб, чуқур билимга эга бўлишини тақозо этади.

Йиллар давомида тажриба орттирган Тожигул шу кунларда шогирдлари — электромеханик Гавҳар Қулимбетова ва Арзайим Колязовлар билан бирга меҳнат қилмоқда. У бир неча йиллардан бери касбага уюшмаси қўмитаси, хотин-қизлар кенгаши аъзоси сифатида ҳамкасблари орасида катта обрўга эгадир. Унинг меҳнатлари муносиб баҳолашиб, икки марта (1996, 2006) йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорни кенгеси фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ҳамкасблари билан суҳбат қурганимизда улар Тожигул опа жуда талабчан, ўзига топширилган ҳар бир вазифани астойдил бажарадиган ва ҳар доим бизга ёрдам қўлини чўзишга тайёр фидойи устоз дейишди.

Биз Тожигул опа каби касбдошларимиз борлигидан фахрланамиз.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ
Қорақалпоғистон
Республикаси

ВАТАН МАРДЛАРИГА ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

Аждодлар изига из босган норлар,
Ватан, халқим дея умри бедорлар,
Миллат шарафини тутгучи орлар,
Улуғ қадамлари музаффар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

Шунчаки сўз эмас Ватан каломини,
У билан барҳаёт миллатнинг номи,
У билан собитдир инсон имони,
Юрт дея ёнганлар ҳақназар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

Дуюю қут билан эл кўқаради,
Элнинг не кори бор эр кўтаради,
Онтига жон тикар юртнинг жўмарди,
Эгилмас бу қадар зар камар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

Кўхна синоат бор тан берган дунё,
Мардлари бор юртни қўллар ер, само,
Енгилмас куч-қудрат айлағай ато,
Ҳар ўғлон бу шаънга муяссар бўлсин,
Ватан мардларига шарафлар бўлсин!

Зулфия ЮНУСОВА,
"Ватанпарвар" газетаси муҳбири



АСКАРЛАР

Сиз борсиз, юртимда шодликлар бисёр,
Баралла айтилар кўшиғу алёр,
Сарҳадлар мустаҳкам, гуллаган диёр,
Сизни деб осуда бу юрт, аскарлар.

Оналар дуоси сизга мададкор,
Ёрингиз кутади аҳдга вафодор,
Осойишта Ватан сиздан миннатдор,
Сизни деб осуда бу юрт, аскарлар.

Қаранг, чақалокнинг ширин кулгуси,
Сиз туйфайли йўқдир унинг қайғуси.
Халқнинг ушалмоқда бир-бир орузи,
Сизни деб осуда бу юрт, аскарлар.

Юртим тинч, маҳалла, кўчалар обод,
Бинолар қад ростлаб кундан-кун обод,
Фанимлар нияти бўлмоқда барбод,
Сизни деб осуда бу юрт, аскарлар!

Гулхумор ОБИДЖОНОВА,
Андижон вилояти, Избоскан
агросаноат коллежи ўқувчиси

Хикмат

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир,
ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Бухоро вилоят "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамияти
"Очиқ танлов" савдоларига таклиф этади



Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори ва Бухоро туман ҳокимининг 2011 йил 3 сентябрдаги 677- ҳамда 12 сентябрдаги 686-қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда

1. Манший хизмат биноси қуриш учун Бухоро тумани Шехонча ҚФЙ Дехчабеги кишлоғи ҳудудида жойлашган 80 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 29312 сўм.
2. Манший хизмат биноси қуриш учун Бухоро тумани Боғикалон ҚФЙ Работиэшон кишлоғи ҳудудида жойлашган, хар бири 30 кв.мдан иборат 2та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати хар бири 10992 сўм.
3. Аёллар ва эркаклар сартарошхонаси биноси қуриш учун Бухоро тумани Боғикалон ҚФЙ Работиэшон кишлоғи ҳудудида жойлашган 30 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 10992 сўм.
4. Гўшт дўкон биноси қуриш учун Бухоро тумани Боғикалон ҚФЙ Работиэшон кишлоғи ҳудудида жойлашган 20 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 7328 сўм.
5. Савдо дўкони биноси қуриш учун Бухоро тумани Боғикалон ҚФЙ Работиэшон кишлоғи ҳудудида жойлашган 60 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 21984 сўм.
6. Ишлаб чиқариш чеҳи биноси қуриш учун Бухоро тумани Қўчқумар ҚФЙ Мижона кишлоғи ҳудудида жойлашган 80 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 29312 сўм.
7. Ишлаб чиқариш чеҳи биноси қуриш учун Бухоро тумани Қўчқумар ҚФЙ Мижона кишлоғи ҳудудида жойлашган 140 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 51296 сўм.
8. Савдо дўкони бинолари қуриш учун Бухоро тумани Қўчқумар ҚФЙ Мижона кишлоғи ҳудудида жойлашган, хар бири 65 кв.мдан иборат 5та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати хар бири ер участкаси учун 23816 сўм.
9. Манший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Бухоро тумани Қўчқумар ҚФЙ Мижона кишлоғи ҳудудида жойлашган, хар бири 65 кв.мдан иборат 3та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати хар бири ер участкаси учун 23816 сўм.
10. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун Бухоро тумани Қўчқумар ҚФЙ Мижона кишлоғи ҳудудида жойлашган, хар бири 80 кв.мдан иборат 2та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи.

11. Манший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бухоро тумани Қўчқумар ҚФЙ Қўчқумар кишлоғи ҳудудида жойлашган 100 кв.мдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 36640 сўм.
12. Савдо дўкони биноси қуриш учун Бухоро тумани Қўчқумар ҚФЙ Қўчқумар кишлоғи ҳудудида жойлашган 100 кв.мдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 36640 сўм.
13. Савдо дўкони биноси қуриш учун Бухоро тумани Юринболо ҚФЙ Талалиён кишлоғи ҳудудида жойлашган 100 кв.мдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 36640 сўм.
14. Манший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун Бухоро тумани Юринболо ҚФЙ Талалиён кишлоғи ҳудудида жойлашган, хар бири 80 кв.мдан иборат 2та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати хар бири ер участкаси учун 29312 сўм.
15. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун Бухоро тумани Юринболо ҚФЙ Талалиён кишлоғи ҳудудида жойлашган 140 кв.мдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 51296 сўм.
16. Савдо дўкони биноси қуриш учун Бухоро тумани Лоша ҚФЙ Хўжаробот кишлоғи ҳудудида жойлашган 100 кв.мдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 36640 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Танловда катнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгаланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шахарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шахарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 7 ой муддат ичидан бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинган кундан қосланади ва савдо кунидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар

"Танлов ташкилотчиси" "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб-рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдориди закатат пуллари тўлашлари шарт.

Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро туман ҳокимлиги биносида 2012 йил 13 феврал кун соат 11.00да очилади. 2012 йил 13 феврал кун соат 16.00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Оқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 13 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 20, 27 феврал кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00да тўхтатилади. Танлов катнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро туман ҳокимлиги биносида савдо кун соат 11.00да очилади ва шу кун соат 16.00да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда катнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдориди хақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил катнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда катнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига закатат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишиниз мумкин: Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 8 (365) 223-69-62. Лицензия RR-0048

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"OSIYO TURON TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган 0003874 рақамли лицензиянинг амал қилишини 2012 йил 4 январдан тугатиш;

"SAMARQAND-STV" телевизион ижодий уюшмаси масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001804 рақамли лицензиянинг амал қилишини 2012 йил 4 январдан тугатиш ва мазкур лицензиянинг муддатига мос равишда телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2011 йил 3 декабрдаги 18-сонли баёни қарорини инобатга олган ҳолда лицензия амал қилиш муддатини 5 йилга узайтириб расмийлаштириб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

Республика ахборот-кутубхона маркази жамоаси Тошкент вилояти "TURON" ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари А.Валиуллинага отаси **Виктор АРИСТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси махсус алоқа боғламаси жамоаси боғлама бошлиғи Алмат Турганбаевага акаси **Малик ТУРГАНБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси филиалнинг Эксплуатация бўлими бошлиғи Мийригул Бекетовага отаси **ЖУМАНИЯЗ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Палов — асрлар давомида халқимиз маданиятига сингиб кетган таом. Ҳар бир вилоятнинг географик жойлашиши, унинг иклими, шу ерда яшайдиган халқнинг маҳаллий урф-одатларидан чиқиб, бу таом қўшимча ривож топган. Натижада ҳар бир туман, ҳар бир шаҳар ошни дамлашда ўз анъаналарига, ҳар бир ошпаз эса ўзига яраша сирларига эга. Самарқанд, Жиззах, Водий палови, Тошкент оши ўртасидаги фарқ бу фикрнинг далили бўла олади.

Палов сўзсиз миллий ғуруримиз бўлиб қолган. Уйимизга меҳмон келса, уни шу таом билан кутиб оламиз. Байрамларда, тўйларда, маракаларда ҳам ош дамлаймиз. Чойхоналарда палов дамлаш бўйича танловлар ўтказамиз. Сўзсиз бундай эътибор, миллий таомимизга бўлган қизиқишни юксалтиради, уни бошқа миллатлар ўртасида тарғиб қилади. Натижада Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё давлатларида, қисман Кавказorti давлатларида оммавий, донғи кетган таомга айланган. Туркия орқали Шарқий Европа ва Болкон давлатларида тарқалиб, миллий хусусиятларини орттирган.

Ривоятларга кўра, бу таомга палов ош номини Абу Али ибн Сино берган, деган тахминлар бор. Унинг асарларидан бирида айтилишича, палов таркибига тиббий ва озуқа хусусиятлари қадимдан маълум бўлган етти тамаҳсулот кирази. Палов ошининг номи унинг таркибига кирадиган ўша маҳсулотлар бош ҳарфларидан тузилган:

- П — пиёз
- А — аёз (сабзи)
- Л — лаҳм (гўшт)
- О — олиё (ёғ)
- В — вет (туз)
- О — об (сув)
- Ш — шולי (гуруч)

Ош

ПАЛОВ ТАРИХИДАН

Палов қачон пайдо бўлган? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. У таом сифатида жуда қадимдан маълумдир. Бу таом девзира гуручидан, қатта меҳмондорчиликларда Х-ХІ асрларда тайёрлангани ҳақида аниқ маълумотлар бор. XV асрда палов азиз таом ҳисобланган. Уни тўйларда, қатта байрамларда ва маракаларда тайёрлашган.

XVI асрда майдаланган гўшт, девзира гуруч ва нўхотли ошни тайёрлаш технологияси (рецепти) ёзма равишда таъриф этилган. Ўрта асрлардаги араб адабиётининг "Минг бир кеча" асарида "пилав" номи билан тилга олинган.

Паловни тайёрлаш тамойиллари шарқдан тарқалганлиги шубҳасиз. Айниқса, Ўрта Осиёда палов тайёрлашнинг асосий оммавий усуллари пайдо бўлган. Палов, қадимий Бактрияда ва Самарқанд шаҳрида Александр Македонский меҳмон қилинган таом сифатида, унинг таржимаи ҳолида тилга олинган.

Халқ тиббиётида палов оши шифобахш таом ҳисобланган ва ҳолдан тойган, узок вақт давомида оч қолган беморларга тавсия этилган. Таом жисмонан оғир иш олдидан ва шиддан кейин истеъмол қилинган.



Ош фестивали

Уйда оила аъзолари учун палов тайёрланганида одатда уни аёл киши дамлайди. Меҳмон келганида эса ошни эркак киши дамлайди. Катта тадбирларда ошпазларни таклиф қиламиз. Ошпазлар халқимиз томонидан жуда қадрланган ва ҳурмат қилинган. Қадимдан маҳалла ошпаз таълимларида, унинг масъулиятли, тўғриёза, маҳалла ахлининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган фуқаролардан эканлигига эътибор қаратилган.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳамизда ҳам ош дамлашнинг усталари кам эмас. Бундай усталар ҳар бир корхона, ташкилот ва филиалларда бор.

Палов халқимизнинг миллий ғурури ва миллий қадриятлари сирасига киритилган таом экан, соҳамизнинг корхона ва ташкилотларида хизмат қилиб келаётган ходимлар ўртасида (ёки корхоналар ўртасида) "ОШ ФЕСТИВАЛИ"ни ўтказиш масаласи соҳа Касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан ўрганилмоқда. Бу масала ижобий ҳал этилса, маъруза фестивалини ўтказиш конда ва тартибларини белгилаб, қабул қилиш лозим бўлади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши номидан соҳамизда хизмат кўрсатаётган палов усталарига, бу таомга бефарқ бўлмаган барча муштарийларга ва соҳа касаба уюшмаси аъзоларига мурожаат қиламиз: — Соҳа ходимлари ўртасида "ОШ ФЕСТИВАЛИ" ўтказилишига муносабатиюғиз, фестивални ўтказиш тартиби бўйича таклиф-мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборинг. Сизлар юборган ёки телефон орқали айтган фикр-мулоҳазаларингиз батафсил ўрганилади ва фестивални тайёрлашда, уни ўтказиш тартибларини белгилашда инобатга олинади.

Суннатилла АБДУҒАНИЕВ,
Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши етакчи мутахассиси

Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, 100165, Бухоро кўчаси, 24-уй.
Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши.
Электрон манзил: sunnat@uznet.net

Тел.: 256-22-66.



UZMOBILE

"Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиали
2012 йилнинг 16 январидан бошқа бинога кўчиб ўтишини хабар қилади.

Янги манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-а уй.

Тел.: 144 09 09

Табрик.uz!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси Давлат фелдъегерлик хизмати вилоят бўлини маси бошлиғи Анвар АҲМЕДОВни таваллудига 50 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклайди.
Унга узок умр, соғ-омонлик, фарзандлари камолини кўришликни тилайди.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66; 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусалд КҶЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадхон ХҶЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҶБИДДИНОВ,
Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутғилло ТУРСУНОВ (маъсул котиб).

Таҳририятга келган кўлёма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлигини мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-152 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 18261 нусха.

Вилоят муҳбирлари:

Англистонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99